

**Хасанов Р.Р.**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиш  
Академияси профессори, и.ф.д.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, келажак ривожланиш тақдирини мустақил ҳал этиш, ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш, очиқ ташқи сиёсатга эга кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилиб белгиланди. Мураккаб давр ва вазиятда кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш, унинг стратегияси ва йўналишларини белгилаш ўта долзарб масала эди.**

Дарҳақиқат, мустақиллик қўлга киритилган давр мураккаб давр бўлиб, у пайтда собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутган, мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият тобора кескин тус ола бошлаган эди. Шундай мураккаб вазиятда ўзлгимизни англаш ва топталган миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш янада кучайди. Республика раҳбари И.А.Каримов босиқлик, чидам ва бардош билан иш тутиб, қатъий сиёсий иродани намоён этиб, мамлакатни чуқур таназулдан олиб чиқишга қаратилган, барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқди ва уни амалга оширишга раҳнамолик қилди. Юртбошимиз раҳбарлигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида машаққатли тараққиёт йўли босиб ўтилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган.

Бу йўлни амалга оширишга, иқтисодиётни тубдан ислох қилишга Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган куйидаги бешта муҳим тамойил асос қилиб олинди:

иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг устуворлигини таъминлаш;

ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи бўлиши;

бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланиши, қонунлар устуворлигининг таъминланиши;

бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш;

бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш.

Ушбу тамойилларга асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодий масалаларни ва иқтисодий ислохотлар йўналишларини мақсадли ҳал қилиш вазифа қилиб белгиланди. Бунда тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштиришга, республиканинг ўзига хос шароити ва хусуси-

ятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини белгилаб берар эканлар инқилобий йўл билан эмас балки тадрижий йўл билан аҳолини заиф қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали амалга оширилиши ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтганлар: Ўзбекистоннинг йўли шуки, биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик<sup>1</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат иқтисодиётида олиб борилган ислохотларнинг асосий йўналиши бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳамда ривожлантириш деб белгилаб олинди ва бу жараёнларнинг негизда бозорга ўтиш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш принципи асос қилиниб давлатнинг асосий ислохотчи сифатида фаол иштироки таъминланди. Ўтган бир йилда хусусий мулкчиликка ҳам муносабат ўзгарди. У мулкнинг бошқа шакллари қаторида тўла эътироф этилди ва ҳуқуқий ҳимояга олинди. Бозор муносабатларини шакллантириш, тадбиркорлик ва ташқи иқтисодий фаолиятни жадаллаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини ривожлантирмоқ учун ҳуқуқий асос яратувчи қонунлар мажмуи қабул қилинди.

Бозор инфраструктурасининг дастлабки куртаклари - биржалар, тижорат банклари, суғурта компаниялари, савдо уйлари, турли ширкатлар, кичик ва қўшма корхоналар ташкил этилди.

Мамлакатда кенг амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларига фақат савдо, маҳаллий саноат ва маиший хизмат тармоқларигина эмас, балки амалда барча халқ хўжалик тармоқларининг корхоналари киритилиши белгилаб олинди. Натижада иқтисодиётнинг кўпчилик тармоқларида корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўзгариб, яъни давлат корхоналари акцияли,

ижара, коллектив корхоналарга айлантирилибгина қолмасдан, балки мулкдорларнинг янги, «учинчи» қатлами вужудга келтирилди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада такомиллаштириш бошланди. Дастлаб, 300 дан ортиқ совхоз давлат тасарруфидан чиқарилиб кўп қисми жамоа ва кооператив хўжаликларига айлантирилди. Қолганлари ижарачиларга берилди ёки мулкчиликнинг бошқа турларига айланди. Қишлоқ хўжалигида 12,5 мингдан ортиқ деҳқон-фермер хўжаликлари тузилиб уларга 112 минг гектар ер бириктириб берилди. 1993 йил охирига бориб давлат тасарруфидан чиққан қишлоқ корхоналарининг сони 700 тадан ошиши режалаштирилган эди<sup>2</sup>.

Ислохотларнинг дастлабки даврида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича ислохотларни изчил амалга оширила бориб аҳоли турмуш шароитининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан иқтисодиётни барқарорлаштириш мамлакат иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда 1993 йил бурилиш даври бўлди. Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари ва шакллари тўғри белгилаш, бозор муносабатларини аста-секин шакллантириш туфайли Ўзбекистон ўша йили иқтисодий кўрсаткичлар таназзулини тўхтатди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда эса муайян даражада ўсишга эришди.

Кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, мулкчилик шакллари хилма-хиллигини таъминлаш бўйича ислохотлар олиб борилди. Республикада 54 мингга яқин корхона давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Бу ислохот бошланган тармоқлардаги иншоотларнинг қарийб 80 фоизини ташкил этди. Уй-жойларни хусусийлаштириш амалда ниҳоясига етди, савдо, маҳаллий саноат аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида «кичик хусусийлаштириш» амалга оширилди. Саноат, қурилиш мажмуи, нақлиёт, деҳқончилик-саноат мажмуининг гўшт-сут, озиқ-овқат, пахта тозалаш тармоқларидаги йирик корхоналарни акциялаштириш жадал олиб борилди.

Танлаб олинган иқтисодий ислохотлар йўлига амал қилиш, бозор муносабатларини

<sup>1</sup> И.А. Каримов «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар». XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ.

<sup>2</sup> И.А. Каримов «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 6 майда сўзланган нутқ.

давлат томонидан тартибга солиш механизмини босқичма-босқич, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш макроиқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашиб боровининг олдини маълум даражада олиш имконини берди.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида, иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий негизи барпо этилди. Ишлаб чиқариш суръатининг, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл қўйилмади, тўлов ҳолати яхшиланди, ишлаб чиқариш устувор тармоқларини такомиллаштиришга эътибор берилди. Шу даврда мулк, корхоналар, ишбилармонлик, ташқи иқтисодий фаолият, банклар ва банк фаолияти, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хўжалик жамиятлари ва бирлашмалари тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Ислохотларнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш жараёнини таъминловчи бир қанча Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш ва миқёсини кенгайтириш ишлари кенг жорий қилинди. Фонд биржалари, қимматбаҳо қоғозларни ҳисобга оладиган ва сақлайдиган миллий депозитарий барпо этилди. Ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларини очиқ турдаги жамиятларга айлантириш амалга оширилди.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам жиддий янгиланишлар амалга оширилди. «Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар ташқи иқтисодий фаолиятни сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли шароит яратди. Экспорт маҳсулотини ва унинг ҳажмини кўпайтиришга эришган корхоналарга катта имтиёзлар берилгани эътиборга сазовор.

Миллий валютанинг жорий қилиниши ташкилий янгиланишларни амалга оширишда янада муҳим омил бўлди. Республика валюта биржаси ташкил этилиб, бу биржада ўтказилаётган савдо натижасига қараб пул-

нинг расмий алмашув қиймати белгилана бошланди.

Иқтисодиётда барқарорлик ва маълум даражадаги иқтисодий ўсиш аломатлари кўрина бошлади. Нефть ва газ конденсати қазиб олиш бир неча маротабага кўпайди, олтин, дон, енгил саноат, озуқа саноати ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча ошди.

Етакчи асосий тармоқларнинг барқарор ривожланиб бориши ҳисобига республиканинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминловчи, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва аҳоли эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг салмоғи ортди.

Президентимиз И.А. Каримов иқтисодиётимизда эришилган натижаларни қуйидагича изоҳлади:

Биринчидан, макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширилиб, пухта ишлаб чиқилган пул-кредит, бюджет ва эмиссия сиёсатини қўллаб, нарх ўсиш суръатларини пасайтиришга, валютамуаммо мустаҳкамлаш муаммоларини ечишга киришилди;

Иккинчидан, саноатни, ва умуман ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиши оқибатида ишсизликни чегаралашга, меҳнат ресурсларининг банд бўлишига, аҳоли даромади ва бюджет даромадини барқарорлаштиришга олиб келди.

Учинчидан, давлатимиз иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишини назарда тутиб, халқимизнинг эҳтиёжини қондирадиган ғалла, дон, гўшт, сут маҳсулотларини четдан олиб келишни кескин камайтирилди. Нефть ва нефть маҳсулотларини қўшни давлатлардан олиб келишни камайтириш сари ҳал қилувчи қадам қўйилди.

Тўртинчидан, хорижий сармояларни мамлакатимизга жалб этиш учун кенг имкониятлар ва муҳим шарт-шароитлар яратилди<sup>3</sup>.

1995 йил жамиятни, иқтисодиётни, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишда туб бурилиш йили бўлди. Йил якунлари биз ишлаб чиққан йўналиш, иқтисодий ислохотларнинг устувор жиҳатлари тўғри

<sup>3</sup> И.А. Каримов "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари." Ўзбекистон Республикаси олий мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль

эканини тасдиқлади ва ўз самараларини бера бошлади. Шуларнинг натижасида ва таъсирида Ўзбекистон иқтисодиётида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиш суръати амалда тўхтатилди.

Чуқур ислохотларни амалга оширишда макроиқтисодий барқарорликка эришилганлигининг аҳамияти жуда катта бўлди. Ўзбекистонда самарали иқтисодий сиёсат ва бозор ислохотларини изчиллик билан олиб борилиши натижасида 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларининг аксариятида ялпи ички маҳсулот ҳажми 30-40 фоизга камайгани ҳолда Ўзбекистонда 1996 йилда ялпи ички маҳсулот 1995 йилга нисбатан 101,6 фоизни ташкил этган бўлса, олиб борилган иқтисодий ислохотлар ва жараёнлар жиддий самараси ўлароқ, 1997 йилга бориб иқтисодиётимиз барқарорлашди. Натижада, ялпи ички маҳсулот 2007 йилда 109,5 фоизга, 2008 йилда 109,0 фоизга, 2009 йилда 108,0 фоизга, 2010 йилга келиб 108,5 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,5 баробарга, аҳоли жон бошига ЯИМ 2,5 баробарга ўсди.

Диаграммадан кўриниб турибдики, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши натижасида иқтисодий ривожланишнинг юқори сифат даражасига кўтарилиши кузатилмоқда. Бу эса буюк келажак сари дадил қадам ташланаётган-


лигидан далолат беради.

Иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг деярли бошқа барча соҳа ва секторларида ишлаб чиқариш ҳажми ошгани билан бевосита боғлиқдир. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида 5,8, қурилишда 2,6, савдода 12,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 21,3 фоизни ташкил этади. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш 11,2 фоиз кўпайди.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида барқарор ва муқим натижаларга эришилди. Нефть қазиб олиш, газ конденсати, табиий газ, ёнилғи-мойловчи материаллар, электр қуввати, кўмир, қимматбаҳо металллар ва бошқа стратегик аҳамиятга молик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Шу ўринда хорижий инвестицияни жалб этишга алоҳида эътибор берилганини айтиб ўтиш керак. Инвестиция ва тузилма сиёсатида асосий эътибор амалдаги ишлаб чиқариш тармоқларини жиҳозлаш ҳамда юксак қўшимча қиймат улушини таъминловчи янги, илғор технологияларга эга корхоналар қуришга қаратилди. Умумий сармоя миқдорининг 30 фоизи замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилишга сарфланди. Дикқатга сазовор жойи шундаки, жами инвестицияларнинг 63 фоизидан ортиғи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторида ўзлаштирилди.

**2001-2010 йилларда ЯИМнинг ўсиш динамикаси, фоизда.\***



\* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


Инвестиция ва тузилма сиёсатида асосий эътибор амалдаги ишлаб чиқариш тармоқларини жиҳозлаш ҳамда юксак қўшимча қиймат улушини таъминловчи янги, илғор технологияларга эга корхоналар қуришга қаратилди. Умумий сармоя миқдорининг 30 фоизи замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилишга сарфланди.

Мазкур тадбирлар натижасида, қисқа муддатларда иқтисодийнинг мутлақо янги, самарали тизимларини шакллантиришга имкон берувчи йирик корхоналар қурилиб, фойда-

ланишга топширилди. Йилига 2,5 миллиард куб метр газ ҳайдаш қувватига эга Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўқон спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси шулар жумласидандир.


Мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги

#### ЯИМ таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, фоизда.\*



\* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

#### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона солиқ ставкаси ўзгариши динамикаси, фоизда.\*



\* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

қонунчиликни мустаҳкамлаш, бозор инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган ишлар шулар жумласидандир. Шунингдек, бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, фаолиятнинг алоҳида турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнлари соддалаштирилиб тартибга солинди.

Тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб юқори бўлган моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланди.

Давлат мулкни унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишларининг амалга оширилиши оқибатида нодавлат хусусий иқтисодий сектор ва хусусий мулк ҳамда мулкдорлар мавқеи ошиб борди. Ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 52,5 фоизга етди. 2000 йилда 31%, 1991 йилда 1,5 фоизни ташкил этган.

Хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги таъсирини ошиб боришида дастлабки капитал ва унинг жамғарилиши муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллигимизнинг 20 йили давомида жамғарилган хусусий капитал ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Давлат мулкни хусусийлаштириш, даромадларнинг капиталлашуви ва хусусий капитал ривож учун берилган кредитлар ҳисобидан миллий иқтисодиётда хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасининг ўсиб боришига эришилди.

Юридик шахслар учун даромад солиғи 9 %гача, кичик бизнес ва микрофирмалар учун 6 %гача камайтирилди.

2010 йилда 9,7 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда инвестициялар ўзлаштирилди, бу ЯИМнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни ташкил этиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2,4 миллиард долларни ташкил этди. Инвестицияларнинг 37,5 %и корхоналарнинг техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтирилди. Фаол инвестиция сиёсати юритилиши натижасида 2010 йилнинг ўзида 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Жумладан: Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши, Хонжиза конида полиметалл руда-

ларга ишлов бериш, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот” компаниясининг бир қанча янги объектлари, “Навоий” эркин-индустриал зонаси ҳудудида 19 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Малакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимга қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларнинг улуши 50 %дан зиёдни ташкил этди ва 160 дан ортиқ янги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, “Спарк” автомобили, “МАН” автомобиллари, энергия тежайдиган лампалар, “ЭлЖи” русумидаги холодильникларни йиғиш, калий ўғитлари ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Молия-банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Тижорат банкларининг жами капитали 36 %га ортди. 15 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эга бўлди. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2,7 триллион сўмдан ортиғини ташкил этди. Тижорат банклари балансига берилган 147 та банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тикланди. Уларнинг 64 таси янги инвесторларга сотилди.

Иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши ва ролини ошириш борасидаги ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 2010 йилда 52 %га, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғини тегишли равишда 49 %га, 2010 йилда янги ташкил этилаётган иш ўринларини касаначилик асосида 250 мингтага етказилди.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Хўжалик юритишнинг совет давридан қолган, ўзини оқламаган шаклларидадан воз кечилиб, уларнинг ўрнига бутун дунёда кенг жорий этилган хусусий фермер хўжаликлари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг бош буғини бўлган хусусий фермер хўжаликларини ташкил

этиш ва янада ривожлантириш лозим.

Кучли ва адресли ижтимоий сиёсат юритилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутунлай янги тартиблари жорий этилиши сўнги йилларда фақатгина одамлар турмуш даражасининг ўсишига эмас, балки уларнинг даромадлари ўсишига ҳам олиб келди. Аҳоли даромадлари 3,8 баробар кўпайди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга давлат харажатлари 5 баробар ошди.

Иқтисодиёт барқарорлигининг ўзига хос кўрсаткичи, белгиланган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий мезони бўлган ўз валютамизни мустақамлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнигина эмас, балки ижтимоий ислохотларнинг ҳам энг устувор йўналишидир.

Республика истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш унинг саноатини ривожлантириш миллий валютанинг товарлар билан таъминланишига бу эса, натижада миллий валютанинг қадрини сақлаб туришга олиб келади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга ошириш таъминланди. Аҳолига бепул шошилиш ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғи, унинг республика маркази ҳамда 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Шунингдек, бўлажак оналар саломатлигини мунтазам назорат қилиб борадиган, соғлом болалар туғилишига хизмат қиладиган кенг тармоқли Скрининг марказлари ташкил этилиб, улар самарали фаолият юритмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, бунинг 85 %и бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Қишлоқ врачлик пунктларининг сони 3 200 тадан ошди ва 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайди. Кейинги 10 йилда оналар ўлими коэффициенти 33,1 промиллдан 19,7 промиллга, болалар ўлими коэффициенти эса 18,9 промиллдан 10,1 промиллга тушди.

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий

инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Инқирозга қарши дастур қуйидаги йўналишларда амалга оширилиб борилмоқда:

корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омилар яратиш.

қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлилигини ошириш.

электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия интеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш.

жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Кучли ва адресли ижтимоий сиёсат юритилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутунлай янги тартиблари жорий этилиши - сўнги йилларда фақатгина одамлар турмуш даражасининг ўсишига эмас, балки уларнинг даромадлари ўсишига ҳам олиб келди. Аҳоли даромадлари 3,8 баробар кўпайди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга давлат харажатлари 5 баробар ошди.

Ижтимоий соҳадаги ислохотлар ижтимоий таъминот ва кафолатларнинг мақсадли, адресли тартибда амалга ошишини таъминлаш ва боқимандалик кайфиятларини йўқотиш, ижтимоий соҳада ҳам нодавлат медицина хизмати, таълим, нафақа билан таъминлаш хизмат-

ларини жорий этиш, соғлиқни сақлаш, таълим бериш тизимларида тижорат муносабатларини қарор топтириш ва рақобат муҳитини яратишни ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил давлатимизда амалга оширилаётган ислохотлар нафақат Ҳамдўстлик республикалари, балки тараққий этган хорижий мамлакатларда ҳам

катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришларни чуқур таҳдид қилаётган чет эллик нуфузли мутахассислар тараққиётнинг «ўзбекча модели» атамасини иборага киритдилар ва ислохотларнинг ушбу модели энг самарали эканлиги исботланди.

---

#### Адабиётлар рўйхати:

1. И.А. Каримов «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар». XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ.
2. И.А. Каримов «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 6 майда сўзланган нутқ.
3. И.А. Каримов “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” Ўзбекистон Республикаси олий мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўпламлари.